

1925-YILDAN  
CHIQA BOSHLAGAN



2018-YIL 30-IYUN  
SHANBA

www.yoshlarovozi.uz  
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

77  
(16234)

КУНДУЗГИ СОНИ

Biz ~ kelajak bunyodkorimiz!

# YOSHLAR OVOZI

O'zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

## МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЁШЛАРИ ФОРУМИ

МИНТАҚАДА БАРҚАРОР ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШГА ЭРИШИШ, ЁШЛАР ТАШКИЛОТЛАРИ ЎРТАСИДА ҲАМКОРЛИК ЎРНАТИШ, ФАН ВА ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, МАДАНИЙ АЛОҚАЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ, ТУРИЗМГА КЕНГ ЙЎЛ ОЧИШ, ТЕРРОРИЗМГА ОЛИБ КЕЛУВЧИ ТАЖОВУЗКОР ЭКСТРЕМИЗМ ВА РАДИКАЛИЗМГА ҚАРШИ КУРАШИШ МАСАЛАЛАРИДА МАҚСАДЛАР МУШТАРАКЛИГИНИ НАМОЁН ЭТДИ.

## ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСИДАН ҚУВОНДИМ



Ҳозир Тошкент шаҳрида Марказий Осиё фаол ёшлари иштирокида ўтказилаётган "Терроризмга олиб келувчи тажовузор экстремизм ва радикализмнинг олдини олиш ҳамда уларга қарши курашишда ёшларнинг роли" мавзuida муҳокама бўлиб ўтмоқда. Тожикистонлик иштирокчи, "Замон" ижтимоий-сиёсий ва адабий-маърифий газетасининг масъул котиби Холбиби Эшонбоева (суратда чапда)нинг мазкур конференция борасидаги фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

— Ўзбекистонга кўп марта таъриф буюрган бўлсам-да, унинг диққатга сазовор жойлари билан яқиндан таниш эмасдим. Мазкур анжуманда бу серкуёш улқа ҳақида тасаввурим бойиди. **Айни пайтда** Тошкентда ўтказилаётган анжуманда иштирок этаётган Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг мамлакатингиздаги лойиҳалари координатори ва БМТ вакиллари ёшлар орасида терроризм, экстремизм ва радикализмга қарши курашишнинг сиёсий-ҳуқуқий асосини, жараёнда давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлигини кучайтириш борасидаги фикрларини билдиряпти. Анжуманда интернет ва оммавий ахборот воситаларида бундай иллатлар тарғиботининг олдини олиш, ёш авлод вакиллари унинг таъсирига тушиб қолмишига йўл қўймалик мақсадида фан, маданият, спорт соҳаларида Марказий Осиё мамлакатларининг минтақавий ҳамжихатлигини мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинмоқда. Бу каби анжуманларда иштирок этиб, миллати, дини, ирқидан қатъи назар, дунё болалари ҳақида қайғурган, экстремизм ва радикализмга қарши курашишнинг сиёсий-ҳуқуқий асосини, жараёнда давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлигини кучайтириш борасидаги фикрларини билдиряпти. Анжуманда интернет ва оммавий ахборот воситаларида бундай иллатлар тарғиботининг олдини олиш, ёш авлод вакиллари унинг таъсирига тушиб қолмишига йўл қўймалик мақсадида фан, маданият, спорт соҳаларида Марказий Осиё мамлакатларининг минтақавий ҳамжихатлигини мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинмоқда. Бу каби анжуманларда иштирок этиб, миллати, дини, ирқидан қатъи назар, дунё болалари ҳақида қайғурган, экстремизм ва радикализмга қарши курашишнинг сиёсий-ҳуқуқий асосини, жараёнда давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлигини кучайтириш борасидаги фикрларини билдиряпти. Анжуманда интернет ва оммавий ахборот воситаларида бундай иллатлар тарғиботининг олдини олиш, ёш авлод вакиллари унинг таъсирига тушиб қолмишига йўл қўймалик мақсадида фан, маданият, спорт соҳаларида Марказий Осиё мамлакатларининг минтақавий ҳамжихатлигини мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинмоқда.



Ўстаин НАЗАРМАТОВ

## ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ УМУМЖАҲОН АССОЦИАЦИЯСИ – ДЎСТЛИК, ҲАМКОРЛИК, ФИКР АЛМАШИШ МАЙДОНИГА АЙЛАНДИ

Халқаро майдонда турли соҳаларда фаолият юритишни истовчи ёшларимиз учун ташкил этилган Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциацияси катта имкониятларни тақдим этмоқда. Бугун мазкур тузилманинг Хитой, Россия, АҚШ, Германия, Туркия, Япония каби давлатларда ҳақолатхоналари фаолият юритмоқда. Ушбу тузилманинг хориждаги вакиллари билан боғланиб, уларнинг фаолияти юзасидан батафсил маълумотларга эга бўлдик.

**Муниса НУРМАТОВА,**  
"Dalian University of foreign languages" университетининг филология ва тилларни ўқитиш йўналишининг 2-босқич магистри:



— Чин улқасида беш мингдан зиёд ўзбекистонлик ёшлар таълим олади, меҳнат фаолияти билан шуғулланади. Уларни жиғлаштириш, илмий излашни ва соҳадаги янгилеклар ҳақида маълумот алмашиш мақсадида Ёшлар иттифоқининг савий-ҳаракати билан Хитойнинг ўнта провинциясида Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциацияси вакиллари иш бошлади. Айни пайтда ХХРнинг докторан-

тура босқичида таълим олаётган ўзбек ёшлари билан турли соҳаларга оид қўл ёзмаларни таржима қилиб, юртимиздаги таълим муассасаларида қўллаш ниятимиз бор. Ёшлар иттифоқи бир йил ичнда қатор ишларни амалга оширди. Тасаввур қиляпсизми, биз бу иштиёқ билан ҳали қандай даражаларга эришамиз!?

**Қамолдин БЕРДИЕВ,**  
Берлиндаги "Hermann Schulz" мактабининг немис тили ўқитувчиси:



— Она юрт, ўзинг туғилиб ўсган гўша, сен чангитиб юрган кўчалар, онанг ёлган иссиқ хон... Буларнинг барини хотирлаётган, худди Ватандан бир дам ҳам узоқлашмаган-декман. Утган йилнинг 22 декабрь куни Юртбошимиз парламентга мурожаат қилар экан, Ўзбекистон

ёшлари умумжаҳон ассоциациясини ташкил этиш тақдирини берди. Ташаббус тезда рўёбга чиқди. Биз бу кунни узоқ кутгандик. Хориждаги ўзбекистонлик ёшлар ўқитган таълим муассасалари, улар меҳнат қилаётган корхона ва ташкилотларнинг манзиллари, телефон рақамлари буйича маълумотлар базаси шаклланди. Чет элдаги фуқароларимизнинг муаммоси билан ўртоқлашадиган, қувончини бўлиши олдидан дўстлар давраси пайдо бўлди. Европада илм қилаётган ёш ўзбеклар кўп. Улар ўзларининг эзгу фоя ва ташаббусларини Ўзбекистонга бориб амалга ошириш ниятида. Ҳа, биз, албатта, Ватанга қайтамиз.

**Жўрабек ҲАСАНОВ,**  
"NEC Corporation"нинг Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатлари буйича масъул ходими:



— Чет элда таҳсил олаётган ёшлар билан ўзбекистонда бўлаётган ўзгаришлар, янгилеклар, эришилаётган натижаларни мунтазам кузатиб борамиз. Дунёнинг турли бурчақларида Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциация-

си иш бошлаётганини эшитиб, жуда ҳавасимиз келганди. Ҳозирда Японияда ҳам мазкур тузилма иш бошлади. Кунчиқар давлатда уч мингдан ортқ ўзбек ёшлари бор. Даставвал бу ерда истиқомат қилаётган ўзбек ёшларини бир ерга жамлаш, уларга тузилманинг мақсад-вазифалари юзасидан тушуنча бериш ва улар билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш мақсадида бир учрашув ўтказиш ҳаракатидамыз. Уйлашимча, юртимиз ривожини учун нафақат Ўзбекистондаги ёшлар, балки дунёдаги барча ўзбек ўғил-қизлари бирдек ҳаракат қилиши даркор.

**Равшанбек ОТАМУРОВОВ,**  
Россиядаги Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциацияси вакили:



— Бугунги кунда қанчадан-қанча ёшларимиз чет элларда таълим олиб, меҳнат қилмоқда. Аммо ҳар доим ҳам уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, манфаатлари етарли ҳимоя қилинмайди, қўллаб-қувватланмайди. Ёшлар давлат ва жамият ҳаётининг асосий ҳаракатлангирувчи кучига айланишида Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциациясининг ташкил этилиши ўзига хос қадам бўлди. Энди фарзандларимиз сўянадиган, таянадиган ташкилот бор.

Ҳозирда Россия Федерациясида таҳсил олаётган, ишлаш мақсадида келган ўғил-қизларимиз билан доимий алоқада бўлиб, уларни қийнаётган муаммоларни ечиш, бепул тил ўрганиш курсларини ташкил этиш, юртимизга қайтиш истагинда бўлганларни қўллаб-қувватлаш муҳим вазифаларимиздан.

**Комила ЗОКИРОВА,**  
ННТ мутахассиси:



— АҚШда узоқ йиллардан буйён истиқомат қилаётган, таҳсил олаётган ўзбек ёшлари бисёр. Аммо доимий тарзда урф-одат ва миллий қадриятларга оид турли таъбирлар ўтказилса-да, ўз юртида юз бераётган воқеа-ҳодисалардан беҳабар ёшлар ҳам йўқ эмас эди. Ёшлар иттифоқининг ташаббуси билан ташкил этилган бу ташкилотга аъзо бўлиш истагинда мурожаат қилаётган ватандошларимиз сони ортмоқда. Бу жараёнда қўлайлик яратиш мақсадида аъзоликнинг расмий веб сайт тизими яратилгани

яқши бўлди. Мақсад — ўзбек тили ва адабиёти, маданиятимизга оид турли лойиҳаларни амалга ошириш, тақдирлар асосида қатор йўналишларда тўғрақлар ташкил қилишдан иборат. Хусусан, Ватандаги ёш мутахассислар учун Америкада таъриба алмашишнинг йўлга қўйиш истагиндамыз. Келажакда АҚШдаги ўзбек ёшлари ташаббуси билан ташкил қилинажак таъбирларда ҳамюртларимизни кутиб қоламиз.

**Эргаш ЖУМАЕВ,**  
Халқаро Алюминий ассоциацияси раҳбари:



— Жорий йилнинг 5-11 май кунлари Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги (ТКА) билан биргаликда амалга оширилган "Дўстлик лойиҳаси" доирасида Ёшлар иттифоқининг вакиллари таъриф буюрди. Ўтказилган давра суҳбатлари, учрашувлар натижасида Туркияда ҳам Ўзбекистон ёшлари

умумжаҳон ассоциацияси иш бошлади. Энди талабаларнинг ўқув дарсларидан ташқари бўш вақтларини маз-

# ВАТАН ИЧИДАГИ МУЪЖАЗ ВАТАН

М.АҚБЕКОВА

Шарқда азалаан оила муқаддас даргоҳ саналган. Унинг тинчлиги, бахтли ҳаёти мамлакат ривожига ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Икки ирмоқ бирлашиб сой ҳосил қилгани каби, оила ҳам икки инсоннинг никоҳи орқали пайдо бўлади. Кейин ушбу кўрғон кенгайиб, мустаҳкамланиб боради. Турмуш синволларига чидай олган кишиларнинг оиласи мустаҳкам бўлади.



Икки ёш оила қуришга тайёр эмаслиги, бир-бирини тушунмаслиги, сабрсизлиги, масалага юзаки қараши туфайли оила дарз кетади. Баъзида бунга ота-она ҳам сабабчи бўлади. Улар фарзандининг бахту камолини қуриш истагида эрта уй-жойни қилиш тараддуиди яради. Бироқ...

Айрим ёшлар жанжаллари ажрашиш орқали ҳал қиламан ёки шу йўл билан ҳамма муаммодан қутуламан, деб ўйлайди. Аммо барча муаммо шундан кейин келиб чиқади. Масалан, ажрашган аёнинг бекам-куст яшашига, турли маломатларга қолмаслигига ким кафолат беради?

Фарзанд учун, ҳам отанинг, ҳам онанинг тарбияси муҳим. Назоратнинг сусайиши оқибатида бола турли салбий гуруҳларга қўшилиб, жиноятчиларга шерик бўлиши ҳеч гап эмас. Фарзандлар келажак, эртанги кун ҳақида оилаларда тушунтиришлар олиб борган ёш оилалар билан ишлаш бўлими қўлаб, ажримларнинг олдини олишга муваффақ бўлди.

Ёшлар иттифоқи таркибидagi "Ёш оилалар билан ишлаш" бўлими кўпгина ишларни амалга ошириб

улгурди. 2018 йил апрелда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи томонидан "Оилаларни мустаҳкамлаш ойлиги" эълон қилинди. Ёш оилалар ўртасида низоли ҳолатларнинг олдини олиш, муносабатларни мустаҳкамлаш, турмуш қуриш арафасида турган ёшларга оиланинг қадр-қиммати, эр-хотиннинг фарзандлар ҳамда жамият олдидagi бурч ва вазифаларини тарғиб қилиш мақсадида акциялар ўтказилди.

15 май — Халқаро оила кунини муносабати билан 14-20 май кунлари республикамиз бўйлаб "Оила мустаҳкам бўлса, фарзанд бахтли бўлади" шиори остида ҳафталик эълон қилинди. Бу муддат давомида жойларда ҳуқуқий билимларни ошириш мақсадида "Ҳуқуқий саводхонлик", "Психологик кўмак", соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш бўйича "Баркамол авлод" спорт мусобақалари, саломатликни сақлаш учун "Соғлом оила — ишончли келажак" кўриклари, китобхонлик, диний саводхонлик, меҳнат ярмаркалари ўтказилди.

Ёш оилалар билан ишлаш бўлимига йил давомида 8 минг 936 муаммоли ёш оилалар муурожаат қилган. Уларнинг 8 минг 887 таси кам таъминланган оила бўлгани боис, уларга кўмак берилди, 13 минг 738 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди.

Жорий йилнинг ўзида ажримларнинг олдини олиш бўйича олти минг икки юз қирқ беш марта тарғибот тадбирлари ташкил этилиб, тўрт минг еттиз юз ўттиз тўққиз нафар ажрим ёқасида турган оила яраштирилди.

— Наманган вилояти Норин туманида ўтказилган чора-тадбирларимиз давомида 32 оилани яраштирдик, — дейди Ёш оилалар билан ишлаш бўлими раҳбари Гулҳаё Иргашева.

— Биргина кечирим сўраш билан ҳал бўладиган жанжаллар, қудаларнинг турли маънавий низолари туфайли эр-хотин ажралиш даражасига етган. Эрта турмуш, молиявий етишмовчилик, келин ва кўёб бир-бирини тушунмаслиги натижасида ажрашганларига гувоҳ бўлдик. Ишчи гуруҳ таркибидagi имом хатиб ва психолог ёрдамида тушунмовчиликларга ойдинлик киритилиб, эр-хотинларни яраштирдик. Ёшлар иттифоқи қоидаги Психологик марказ ходимлари ёрдамида ҳар битта оила билан мулоқот уюштирдик.

Бундан ташқари ўтган йилнинг октябр, декабрь ойларидa республикамизнинг барча ҳудудларида 7 миңдан ортиқ таълим муассасаларидаги 9-синф битирувчи қизлари иштирокида "Биз эрта никоҳга қаршимиз" шиори остида давра суҳбати ўтказилди.

Мамлакатимизда жисмоний имконияти чекланган ёшлар сони кўп бўлса-да, аммо кўча-кўйада, айниқса, ташкилот, завод, фабрика ва таълим муассасаларида бундай инсонларни учратиш амри маҳол. Баъзилари йиллаб остона ҳатлаб кўчага чиқмаган. Чунки ногиронлиги бор кишилар жамоатчиликдан ажралиб қолган, жамият ҳаётида фаол қатнашмайди.

Санжар ЭШМУРОДОВ

# СИЗГА СУЯНЧ БЎЛАМИЗ



"Имконияти чекланган ёшлар ва болалар маркази"нинг мақсади ана шундай йигит-қизларнинг дунёқароши, интеллектуал салоҳиятини кўтариб, уларни тушунмадан қўтариб, одамлар орасига қайтаришдан иборат. Бунга эса, руҳий далда бериб, моддий-маънавий жиҳатдан қўлаб-қувватлаш орқали эришиш мумкин.

Марказ фаолиятини йўлга қўйганига кўп бўлмаган бўлса-да, деярли улар жисмоний имконияти чекланган ёшлар орасига кириб борди. Аввало, олис ҳудудлардаги жисмоний имконияти чекланган болалар ҳаёти, турмуш шароити, хоҳиш-истакларини ўрганди. Уларнинг қалбига қўл солиб, сузларига қўлоқ тутди.

Вилоят ва туман марказларида жойлашган кар-соқовлар мактаби, ногиронлиги бор болалар маркази, махсус тилдаги болалар уйи сингари муассаса тарбияланувчилари билан учрашув ва очик мулоқотлар ўтказди. Уларнинг таълим олиш, яшаш шароити билан танишди.

Ўрганишлар давомида кам таъминланган оила фарзандлари, ижтимоий ёрдамга мутож жисмоний имконияти чекланган ёшлар моддий ва маънавий рағбатлантирилди. Бунда асосий эътибор уларнинг билим олишига қўмаклашиш, фаоллигини

оширишига қаратилди. Хусусан, Андижон вилояти Пахтобод тумани "Хайробо" маҳалласида яшовчи Мастура Тожибоевага ногиронлик аравачаси туҳфа этилди ҳамда тадбиркорлик фаолиятини олиб бориши учун жой ва маблағ ажратилди. Натижада у эл қорига ярайдиган тадбиркорга айланди. Мастура ўзига ўхшаган яна тўрт нафар ёшга иш берди.

Фарғона вилояти Полмон қишлоғида истиқомат қилувчи



Қурвоний Баҳодировага уйда таълим олиши учун ўқитувчи ажратилди. Илм олиб дунё танишига шароит ҳозирланди.

Жойлардаги ўрганишлар натижасида соҳадаги кўлаб муаммо ва камчиликлар аниқланди. Шулардан бири қишлоқлардаги эшитиш қобилияти паст, гапирмайдиган баъзи болаларнинг ота-онаси кар-соқов тилини билмаслигидир. Юқоридa таъкидлаганимиздек, аксарият имконияти чекланган болалар уйда ўтиради. Бундай ёшлар ота-онаси билан

мулоқотга киришолмас аянчали ҳол. Ўзингиз айтинг, уларни ким эркалаб-суяди, ким тарбиялайди? Ўрганишлардан фақатгина имконияти чекланган болалар билан эмас, уларнинг яқинлари, айнан, ота-оналари билан ҳам ишлаш зарурлиги маълум бўлди.

Жисмоний имконияти чекланган ёшларнинг истеъдодини рўёбга чиқариш мақсадида Самарқанддаги Регистон майдонидa кўргазма ташкил этилди. Ёшлар томонидан яратилган нафис ва бежирим санъат асарлари қатнашчиларни ҳайратда қолдириди. Айниқса, икки қўли ҳам йўқ боланинг оёқларида сурат чизиши мўжизанинг ўзинаси эди. Кўргазмада 48 та санъат асари намойиш этилиб, шулардан 30 таси сەҳнатчилар томонидан харид қилинди.

Жисмоний имконияти чекланган инсонларни тадбиркорликка жалб қилиш мақсадида "Тадбиркорлик сирлари" ўқув семинари ўтказилди. Унда иштирок этган 170 нафар ёшларга бизнес режа тузиш, тадбиркорлик субъектларини бошқариш бўйича керакли тавсиялар берилди. Улардан 70 нафари ўз бизнесини бошлашга қарор қилди.

Марказ томонидан ёшга таътил мавсумида оромгоҳда дам олиш учун 60 нафар ўғил-қизларга Бепул йўлдан берилди. Табиийки, мустақил ҳаракатлана олмайдиган болалар бундай имкониятдан баҳраманд бўла олмайдди. Шу сабаб Марказ жисмоний имконияти чекланган болалар учун махсус оромгоҳ қуриш таклифи билан чиқди. Оромгоҳ учун жой ва қурилиш лойиҳаси ҳам тайёрланди.

— "Имконияти чекланган ёшлар ва болалар маркази" биносида кар-соқовлар учун чет тилларни ўргатувчи курслар ташкил этилмоқда, — дейди Марказ раҳбари Раъно Шодиева. — Бунга махсус мактаб-интернати тарбияланувчилари ҳам қатнашиши мумкин. Шунингдек, сурдо тилини ўрганиш истагини билдирган ёшларни Марказда тайёрлаб, кўнгилли сифатида олис ҳудудлардаги жисмоний имконияти чекланган болалар ва уларнинг ота-оналарига таълим бериш учун юрбоқчимиз.

Ёшлар иттифоқи фаолиятини ёритиб бораётган "Yoshlar" телеканалда жисмоний имконияти чекланганларга махсус теле-ойиҳа ва кўрсатувларнинг таржимаси учун сурдо тили мутахассисини жалб қилмоқчимиз. Ногиронлиги бор ёшларни ижтимоий ҳаётга олиб кириб, бурун уларга тиргак бўлишимиз зарур. Зеро, улар ҳам муносиб ҳаёт кечиршига ҳақли.

# КУН САЙИН ИШОНЧИМ ОРТЯПТИ

Мастура ҒОЙИББАЕВА,  
Чортоқ туманидаги 47-умумтаълим  
мактаби директори

Илк фаолиятини тарих фани ўқитувчилигидан бошлаганим. Ўқувчиларим орасида истеъодлилари кўп эди. Уларни қўлаб-қувватлаш ва кўмаклашиш ёшлар ташкилати зиммасига юклатилганди. Шу тариқа ташкилот сафига кириб бордим.



Мунтазам фаолиятни кузатиб борар, баъзан тақлифлар киритардим. Бу ташкилот доимий ҳаракатда, атрофидa юрагида олов, қўзида, сўзида қатъият бўлганлар билан биргаликда эътиборини тортарди.

Кўп ўтмай, мактаб бошлангич ташкилати етакчиси бўлиб ишлай бошладим. Бир қатор лойиҳалар қилдик, иқтидорли, ижодкор ёшларимиз кўпгина танловларда биринчилиكنи қўлга киритиб, мактабимиз гурурига айланди.

Ишимга қизиқишим тобора ортар, янгидам-янги режалар тузардим. Бу орада жамоат ишларида фаоллигимни ёки йигит-қизлар билан қандай ишлаш кераклиги ҳақида бирмунча кўникма борлиги сабабми, Чортоқ туманидаги 47-умумтаълим мактабига директор этиб тайинландим. Табиийки, бундан нафақат ўзим, балки ён-атрофдагилар ҳам ҳайратда эди.

Ёшман, менга юклатилган вазифа, масъулият салмоқли. Лекин шунга қарамай, менга ишонч билдирилди. Ёшлар ҳам раҳбар бўлиб, нима-ларга қодирлигини кўрсатсин, дейилди.

Фаолиятимни бошлаганимга ҳали кўп бўлмади, аммо бир нарсага амин бўлдим — агар ёшларга ишонч билдирилса, уларнинг қўлидан ҳамма иш келади. Аввал эпломасам-чи, деб бироз қўрқдим. Энди кун сайин ўзимга ишончим ортяпти.

Ҳали мақсадларим талай. Мактабимиз нафақат вилоят, балки республиканинг энг олд уқув даргоҳи бўлишига ишонман ва ҳозир шунинг ҳаракатидаман.

# БИР БАҲЯ ҚОЛДИ...

Баҳодир ЖҲРАЕВ,  
"Фаровон" МЧЖ ҳуқуқшуно маслаҳатчиси

Ҳуқуқшуно бўлиш шунчаки ёшлик қизиқиши эмас, келажакдаги мақсадимга айланаб улгургани ҳам. Бунинг учун анчайин меҳнат қилиш, ўқиб-ўрганиш кераклигини ота-онам кўп уқтирган. Дадам соҳага алоқадор китоблар олиб беради, онам ўқиниш учун шароит яратарди. Улғайдим. Бир ҳаракатлаёқ Тошкент давлат юридик университети талабаси бўлдим.



Бир баҳя қолди, ҳаётим зулматга айланганига. Аммо Ёшлар ташкилати қафил бўлиб, мени қўтарди. Яхши инсон бўлиб, оилам, Ватанимга нафим тегишига билдирилган ишонч менга куч бағишлади. Ўзимни ўнглаб олишим учун иш ҳам топиб беришди. Ҳозирда Учтепа тумани "Фаровон" МЧЖда ҳуқуқшуно маслаҳатчи сифатида фаолият юритяпман.

Ёшлар ташкилати бугун ҳар бир оилага кириб борган. Йигит-қизларнинг қизиқиши, муаммоларини ўрганиб, кўмак берапти. Бир сўз билан айтганда, ташкилот ёшлар ҳаётида алоҳида ўрин эгаллаб улгурди. Ҳақиқат шундай бўлиб қолишига ишонман.

Тўлов шартномаси асосида ўқишга қабул қилинган, ўқимайман дедим. Ота-онам фикримдан қайтарди, амаллаб тўлаймиз, дейишди. Ҳаш-паш дегунча 1-курсни ҳам тамомладим. Аммо келаси йил учун шартнома пулини тўломаслигимизни билдик. Уйдагиларни қийнашни истамадим, академик таътил олдим. Ишлаб пул топаман, кейин ўқиниш давом эттирарман, дедим.

Момом, ҳар қандай дўстининг, аввал кимлигини билиб, кейин ишонч билдир, дедим. Насиҳатга қўлоқ тутмадим. Ўзим яхши билмаган инсон билан ош-қатиқ бўлдим. Айна иш излаб қийналиб юрган кезларим, у даромадли иш таклиф қилди. Гарчи, бу гуноҳ бўлса ҳам, рози бўлдим. Ишонинг, ҳеч ким бировнинг ҳақини еб хотиржам яшай олмайди. Виждон азобидa қийналиб юрган пайтида қўлга олишди. Худого шукр, дедим. Суд бўлди. Жазо белгиланди.

# АҚЛАН ЕТУК, РУҲАН СОҒЛОМ БЎЛСИН ДЕБ...

С.ТУРДИҚУЛОВ

Телеканалларда фарғоналик боланинг игна ютгани ҳақидаги хабар берилагач, эртаси кунийёқ бу ҳолат Самарқанд вилоятининг учта туманида такрорланди...

Болалар кўрган, эшитган нарсасини ўзида синаб кўришига ошиқлади. Бунинг устига ҳозирги инфоромацион технологиялар даврида баъзи т елесериаллар, компьютер уйинлари, интернет, ижтимоий тармоқ, сариқ матбуотдаги айрим маълумотлар бола психологиясига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу боис ҳозирги кунда болаларда таъ руҳияти шакллантириш долзарб масалага айланган.

"Ёшларга ижтимоий-психологик хизмат кўрсатиш маркази" очилгунга қадар вояга етмаганлар руҳиятини ўрганиш ташкилот бўлмаган. Шу боис 2017 йил 30 июнь кунини Президентимизнинг ёшларга қилган муурожаатида айнаман шундай марказга эҳтиёж борлиги таъкидланган эди. Бу бежиз эмас. Чунки ўғирлик, жиноят, ўз жонига қасд қилиш каби нохуш ҳолатлар руҳий зўриқиш, дивант хулқ-атвордан келиб чиқади.



Марказ, аввало, ёшлар психологияси, уларнинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатувчи носоғлом муҳитни ўрганди. Кам таъминланган, нотинч оилалар, диний экстремистик оқим аъзолари ҳаётига кириб борди ва тадқиқ этди.

Сирдарёнинг Боёвут, Наманган вилоятининг Норин тумани маҳаллаларидаги аҳолининг ижтимоий-руҳий ҳолати чуқур ўрганилиб, илк бор маҳалланинг илмий асосланган ижтимоий-психологик портретлари ишлаб чиқилди. — Инсон психологиясига яшаш жойи, ҳудуднинг

ижтимоий-маънавий қиёфаси ҳам таъсир кўрсатади, — дейди марказ раҳбари Дилфуза Шодиева. — Шу сабаб ҳар бир ҳудуд аҳолиси билан алоҳида шуғулланиш зарур. Масалан, боёвутлик ёшлар характеристикасида боқимандалик кайфияти кўпроқ бўлса, норинлик ёшларда диний тарбияга оғиш кўзга ташланади. Кейинги йилларда бошқа ҳудудларнинг ҳам ижтимоий-психологик портретларини яратишни мақсад қилганмиз.

Республика бўйлаб ўтказилган ҳафталикларда хонадонма-хонадон юриб,

бевосита, халқнинг фикрини тингладим. Жумладан, 185 нафар тарбияси оғир вояга етмаган, 110 та ажримга келиб қолган ёш оила, 70 та нотинч оила фарзандлари, шунингдек, 2 нафар клиптоманикка чалинган ҳамда жиноятчиликка мойиллиги бор, муқаддам судланган ёшлар билан яқка тартибда суҳбат ўтказилиб, психологик маслаҳатлар берилди.

Жойларда таълим муассасалари етакчи ва психологлари, маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ҳамда "Оилаларни яраштириш комиссияси" аъзоларига психологик тренинглар ўтказилди. Чунки айнан оилаларни яраштириш комиссияси ҳамда маҳалла фаоллари нотинч оилаларга кириб бориб, муросага чорлайди. Бунда психологик услублардан оқилона фойдаланиш қўла келади. Ёшларнинг ахлоқий талабларга бўйсунишида таълим муассасаларидаги етакчи ва психологларнинг ўрни катта.

Билиб-билмай ҳагата йўл қўйиб, жиноятга қўл урган ёшлар Иттифоқ кафилигида суд залининг ўзиданоқ озодликка чиқариляпти. Уларнинг ҳаёти, руҳий ҳолати, ахлоқий тарбияси марказ ходимларининг назоратида. Шунингдек, мулоқотлар натижасида ахлоқ тузатиш колонияси тарбияланувчилари ҳамда носоғлом оила фарзандларининг хулқидagi оғиш нуқтаси

ўрганилмоқда. Хулосалар асосида тизимли ишлар ташкил этиляпти.

Айтиш жоиз, Президентимиз ўтган йили 30 июнда ёшларга қилган муурожаатида Ўзбекистон Республикаси Адлия идораси маркази оталиққа олишини таъкидлаганди. Аммо бу ташкилотлар билан ҳали-ҳануз узвий алоқа ўрнатилмаган.

Жойларда "Ўзингни англа" шиори остида вазирлик, идора ва ташкилотлар ходимлари учун психологик тренинглар ташкил этилди. Айниқса, мижозлар билан доимий мулоқотга киришувчи банк, солиқ идоралари ходимларига алоҳида дарслар ўтилади. Сабаби тадбиркорликка қизиқувчи ёшлар муурожаат қилувчи ташкилот ходимларининг муомала маданияти муҳим аҳамият касб этади.

Эътиборлиси, ёшлар учун керакли психологик тавсияларни ўзида жамлаган тўплам нашрга тайёрляпти. Ўзбек ўғил-қизлари билан оналар мулоқот олиб бориш имкониятига эга сайт яратиш ҳам режалаштирилган. Шунингдек, "Yoshlar", "Mening yurtim" телеканалларида психологик тавсиялар берувчи теле-лояҳалар намойиши йўлга қўйилди.

Марказ мустаҳкам руҳият, мафқуравий иммунитетни шаклланган авлодни тарбиялаш йўлида дадил иш олиб бормоқда. Чунки ақлан етук, руҳан соғлом ёшлар порлоқ келажак гаровидир.

## ФИДОЙИЛИК, ФАОЛЛИК, ҒАЙРАТ бизга ярашар албат!

Мамлакатимизда Ёшлар куни қизгин кутиб олинди. Унинг доирасида барча туман ва шаҳарларда ранг-баранг лойиҳалар амалга оширилмоқда. Қуйидаги репортажларимиз шу ҳақда.



### Бухоро

Лайло ХАЙИТОВА

Кўҳна кентадаги Ёшлар марказида “Абитуриент — 2018” лойиҳаси амалга оширилди. Республика ёшлар маркази вилоят бўлинмаси томонидан ташкил этилган тадбирда йигит-қизлар ўзлари танлаган йўналиш бўйича тест синовидан ўтди.

Юқори балл тўплаганларга эсдалик совғалар топшириди. Шунингдек, уларга олий таълим муассасаларидаги қабул жараёни ҳақида маълумот берилди.

Жондор туманида эса, “Ёшлар куни — менинг тасаввуримда” мавзусида асфальтга расм чизиб танлови ташкил қилинди. Унда 85 нафар ўғил-қиз истеъдодли намоён бўлди.

Ҳар бир иштирокчи ўз тасаввурини Ёшлар кунини тасвир-

лади. Асфальтга турли ранг-бўёқларда чизилган ижод намуналари йиғилганларда ёрқин таассурот уйғотди.

Ёшлар куни муносабати билан ўтказилган “Ҳоким ва ёшлар” учрашувида қоровулбозорлик йигит-қизларни қийнаётган кўпга муаммоларга ечим топилди. Шунингдек, Шофиркон, Ромитан, Олот, Вобкент ва Гиждувонда ҳам маҳаллий ёшлар ҳокимлар билан учрашиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.



### Тошкент

Шоира ОХУНЖОНОВА

Пискент туманида “Ёшлар — келажгимиз” шиори остида пневматик тўппончадан ўқ отиш, шахмат, шашка, стол тенниси, футбол бўйича мусобақалар ўтказилди.

Ангрэн шаҳри ҳамда Янгийул, Оққўрғон, Қибрай, Юқори Чирчиқ туманларида эса, югуриш марафони ташкил қилинди. Қувонарлиси, беллашувларга уюшмаган ёшлар ҳам жалб этилди.

Яқунда барча спорт турларидан голиблар аниқланиб, диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Десантларни тайёрлаш марказида ўтказилган учрашув ўрта чирчиқлик ёшларда катта таассурот қолдирди. Улар

ҳарбий техникалар билан танишиб, жанговар тайёрларлик ва парашютда сакраш машқлари ҳақида қизиқарли маълумотларни билиб олди.

— Тадбирга 80 нафардан зиёд ўғил-қизни таклиф этдик, — дейди Иттифоқнинг маҳаллий кенгаши раиси Ойбек Эргашев. — Улар десантлар билан бирга турли машғулотларда қатнашди. Айниқса, парашютларни йиғиши, мувозанатни сақлаб туриш билан боғлиқ машқлар кўпчиликка манзур бўлди.

### Жиззах

Элдор НАВРҮЗОВ

Байрам олдида Янгиобод тумани ҳокими Икром Матиев маҳаллий ёшлар билан учрашиб, мулоқот ўтказди. 19-болалар мусиқа ва санъат мактабида бўлиб ўтган тадбирда 200 нафар йигит-қиз қатнашди.



### Хоразм

Шоҳрух ИБОДУЛЛАЕВ

Боготлиқ йигит-қизлар байрамни велопоёйга ва югуриш марафони билан бошлади. Юзлаб спортсевар ёшлар туманининг маҳаллий кўчаларини тирбана этганига қарамай, бу ҳеч кимга малол келмади. Аксинча, уларнинг шижоати барчани рўҳантириб юборди.

Қизгин баҳслар давомида Ангил саноат касб-ху-

нар коллежида волейбол мусобақаси ҳам ўтказил-

ди. Кейин Богот тумани ҳокими Ойбек Холбоев, шунингдек, маҳаллий корхона, ташкилотлар раҳбарлари, банк мутасаддилари ўқувчи ҳамда вақтинча ишсиз ёшлар билан мулоқот қилди.

Ҳоким йиғилганларни Ёшлар куни билан қутлаб, саволларга бирма-бир жавоб берди. Шунингдек, ёшларни қийнаётган, асосан, тадбиркорлик, таълим

ва спорт соҳаларига оид муаммоларнинг тезкор ечими юзасидан топшириқлар берди. Ҳар бирининг ижросини шахсан назоратга олишини айтди.

Кечга яқин “Истиқлол” маданият ва истироҳат боғида ёшлар сайли ташкил этилди. Миллий ўйинлар намойиши, шўх куй-қўшиқлар барчага кўтаринки кайфият улашди. Фаол ёшлар тақдирланди.

### Тошкент шаҳри

Ҳасан УСМОНОВ

“Ёшлар — келажгимиз” шиори остида ўтказилган веломарафон чилонзорлик йигит-қизлар учун чинакам байрамга айланди.

Ёш авлоднинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиши, улар ўртасида экологик тоза транспорт турини тарғиб қилиши мақсад қилган беллашува 500 нафарга яқин навраста

куч синашди.

Ҳаваскор спортчилар 3 минг метрдан зиёд масофани босиб ўтди. Фолиб ва фаол иштирокчилар дипломи ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

### Сурхондарё

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА

Сариосиёда старт олган миллий кураш мусобақасида иштирок этиш учун қўшни Узун, Денов ва Шўрчи туманларидан ҳам ёшлар келди. Жами 941 нафар полвон гиламга чиқиб, олти вазн тоифасида баҳслашди.



Ғолиблар аниқланиб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

— Мана бунди Ёшлар байрамга муносиби совға деса бўлади! — ҳаяжонини яширолма-й гапирди Шаҳзод Раҳмонов. — Бундай мусобақалар бизга

Олимпиада ва жаҳон чемпионатларига йўл очади. Иттифоқнинг Сурхондарё вилояти кенгаши

ташаббуси билан “Ёшлар эко ҳаёт сари” шиори остида хушманзара тоғли ҳудудларга уюштирилган саёҳат ҳам ёдда қоларли бўлди.

Ангор туманида эса, меҳнат ярмаркалари, ёшлар сайли, китоблар кўргазмаси ҳамда ҳомийлар кўмаги билан жисмоний имконияти чекланган 50 нафар бола учун байрам дастурхони ташкил этилди.



Улар муаммолари ҳақида ошқора гапирди. Шунингдек, ҳудуд истиқболига хизмат қиладиган ғоя ва ташаббуслари билан ўртоқлашди.

12-умумтаълим мактаби ўқувчиси Кибриё Актамова истеъдодли ёшлар учун ёзги оромгоҳ ташкил этишни таклиф қилди. Вақтинча ишсиз Ширинбек Бегмаҳмадов тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагини билдирди. Ёшлар иттифоқи унга банкдан имтиёзли кредит олишда амалий кўмак кўрсатадиган

бўлди. Яқунда бир гуруҳ ижтимоий фаол ёшлар туман ҳокимининг эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

Зоминлик 550 нафардан зиёд спортсевар тенгдошимиз эса, кураш ҳамда бокс мусобақасида куч синашди. Иштирокчилар уч вазн тоифасида беллашди. Бир вақтнинг ўзида югуриш марафони ҳам ўтказилиб, нақ 1 минг 500 нафар ёш қамраб олинди.



## KITOB JAVONINGIZGA

## Тўлин ойнинг кемтик қалби

Маъмура Хўжақулова

Қўшни хонадан овоз эшитилди. Бориб қарасам, Зухра китоб ўқияпти. Унга қараб менда ҳам китоб ўқишга қизиқиш уйғонди. Жавонда ўзбек ҳамда чет эл адабиёти намуналари терилган бўлиб, бир асар эътиборимни тортди. Аввалига шунчаки варақдай бошладим. Кейин, мутоалага қандай киришиб кетганимни ўзим ҳам билмай қолдим.



ким, мен ўзимни топмасам”

Ҳикояда фалсафий қараш мавжуд. Ой образи орқали инсон ва жамиятдаги бошқа одамларнинг ўзидан бўлак бошқанинг ташвиши билан қизиқмаслиги очиб берилган. Инсон ўз вазифасини англаши учун кибрдан қочмоғи, нафсини енгмоғи, сабру қаноат, яшашдан моҳият нима эканини билиши учун маълум синовлардан ўтмоғи лозим. Ёзувчи кишини ён-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисага эътиборли бўлишга ундайди.

Инсоннинг умри давомида қилаётган иши унинг тақдирини белгилайди. Покиза қалб ила “Инсон бўлиб яшаш” одамзоднинг энг олий вазифасидир.

Баъзан киши бор ғам-андухини унутиб, ёлғиз қолгиси келади. Шундай пайтда ҳар қандай масала юзасидан китоб бизга маслаҳатқўй, содиқ дўст бўла олади. “Тўлин ой кisasasi”ни тенгдошларимга ўқишни маслаҳат берман. Уйлайманки, улар ҳам асардан мен каби ўзгача таассурот олиб, дунёқараши кенгайди.

сон-саргардонликдан қутулсам – оила қуриб, бола-чақа орттирсам, одамлардек умргузаронлик қилсам”, — дейди тиланчи. Ўзини тилла тангага қийсанганини эшитиб, ниҳоятда ранжиган ой шиддат билан жўнаб қолади...

Навоийнинг буюк ҳикмати ёдга тушади: “Эл нетиб топғай мени-

ҳайратланиши ҳамда “ана тўлин ой, мана тўлин ой” дейишларини истайди. Аммо ундай бўлмайди. Қамар юзланган қария, чўпон йигит, келинчақ, бой, маҳбус, тиланчи ҳатто ит ҳам унга безъитбор. Ҳамма ўзи билан ўзи овера.

“Эй танграм, кўкдаги ана шу олтин тангангни узиб берсангу мен ҳам сар-

Улугбек Ҳамдамнинг “Тўлин ой кisasasi” ҳикоясини ўқир экансиз, некбин туйғулар ўз оламига чорлайди. Ҳикоянинг бош қаҳрамони “Ой”ни инсон қалби, орзу-умидларига қийслаш мумкин. У ҳикоя давомида етти тун оламни кезади. Само маликаси ердаги барча мавжудот унинг ҳусн-жамолидан баҳраманд бўлиб,

Бир маслақда енг шимарса қора кўзу, қора қошлари, Беш қитъага ибрат бўлғай Марказий Осиё ёшлари!



Шеър-тасвир муаллифи: Жаҳонгир МИРЗО

## 1 SAVOLGA 1 JAVOB

— Болали оилаларга нафақа ва моддий ёрдам тўлаш муҳлати қанча?

Умида СИДДИҚОВА  
Тошкент шаҳриСавола юрист  
Алишер  
АБДУСАМАТОВ  
жавоб беради:

— “Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида” ги низомга кўра, болали оилаларга нафақа ва моддий ёрдам 6 ой, унинг пар-

вариши буйича эса, 12 ойга тайинланади. Оталар, васийлар, бола асраб олган шахслар бу имкониятдан фарзанд икки ёшга тўлгунга қадар фойдаланиши мумкин. Шунингдек, уларнинг қарамонига икки ёки ундан ортиқ ўғил-қиз бўлса, ушбу нафақа кичик бола икки ёшга тўлгунга қадар тўланади.

## PSIXOLOG MASLANATI

— Жуда тез асабийлашман. Арзимаган гап-сўз, ҳаракатлар ҳам жаҳлимни чиқаради. Эътибор бермасликка ҳарчанд уринмай, улдасидан чиқолмаяпман. Шундай вазиятларда шовиб хулоса чиқараману, кейин афсусланиб юраман. Яқинларим ҳам жижжак бўлиб қолганидан шижжак қилмоқда. Маслаҳат беринг!

Дилобар АЛИМОВА  
Каттакўрғон шаҳриСавола психолог  
Зебинисо АҲМЕДОВА  
жавоб беради:

— Жаҳл чиқиши инсондаги табиий жараён. Аслида у кишини фаолликка ундайди. Лекин уни тўғри йўналтира олмасангиз, салбий ҳолатлар юзга келиши мумкин.

Аввало, суҳбатдошингиз сизни асабийлаштирадиган фикрларни айтса ҳам, диққат билан тинланг. Ўзингизни

имкон қадар вазмин тутинг. Бироз тин олиб, ўйланг. Кейин унга фикрингизни баён қилинг. Маслаҳатим, жаҳлингиз чиққанида ортиқча ҳаракатлардан тийилиб, чуқур-чуқур нафас олинг. Доноларимиз бежиз жаҳл чиққанида ақл кетади, дейишмайди. Чунки бу вазиятда қилинган қарор ўзингизга ҳам зиён етказиши мумкин.

## KO'NGILDAN KO'SHIRMALAR

## КЕЧИККАН АҚЛ

Кенжа ЎҒИЛ

Акамнинг қўли юзимга тегди-ю, чўчиб уйғондим. Уйнинг торлиги ёмонда. Тезроқ ёз келса эди, нотекис бўлса ҳам супада ётардик. Ҳали акамнинг қўли, ҳали укамнинг оёғи тегиб ғашимни келтирмасди. Уйғонишимни ҳам, яна қайта ёстиққа бош қўйишни ҳам билмайман.

Печдан чиққан тарашанинг тутуни кўзимни ачиштирди. Энгимга ўтган йили енг печа тегиб, тешикча очилган чопонимни илдим, далага чиқдим. Қалишчамнинг ичига қор кириб, тезда эриб кетди. Тонг ҳали уйғониб улгурмаган, эринчоқ хўрозим ҳам. Аммо онам аллақачон уйғонган (агар тунда ухлаган бўлса. Одатда қачон ухлаб, қачон уйғонганини ҳам билмаймиз). Қозон

остиға энгашиб, намиққан бақатерак шохларини ёндиришга уриниб, пуфлаб ётибди. Юзимни ювгани сувга қўл тикқандим, совуқ оёғимнинг учигача борди. Қўлимни бир-икки силкиб, юзимни артдим. — Яна юзингни тоза ювмаяпсанми? — онамнинг овози эшитилди. — Сув жуда ҳам совуқ-ку, — дедим ўзимни оқлагандек. Исинмоқчи бўлиб, ўчоқ

## MENING FIKRIM

## ФИКРИ ТЕРАН АВЛОД КЕРАК БИЗГА

Маърифат ҚОСИМОВА

Адабиёт фанидан дарс берман. Йигит-қизлар тўғру, илмга чанқоқ. Аммо ҳамкасбларим ўқувчиларнинг таълим олишга бўлган муносабати сусайгани, айниқса, адабиётга умуман қизиқмаслигини бот-бот такрорлашадими-ю, аммо бунда биз, педагогларнинг ҳам қаредларир хатоларимиз борлигини унутди. Ахир, вазифамиз бор билимимизни фарзандларимизга тўғри етказиб беришдангина иборат-ку.

Абдулла Орипов, Мухаммад Юсуф, Шавкат Раҳмон шеърларини тўқинлашиб ёд олмаган, Тоғай Мурод, Ўткир Ҳошимовнинг романлари, Саид Аҳмаднинг ҳикоялари асосида баён, ишро ва асар қаҳрамонларига мактуб битмаган бирорта ўқувчим йўқ. Улар доим Усмон Азим, Зебо Мирзо, Тоҳир Малик, Мурод Мухаммад Дўст каби адабиёт вақилларининг ижоди борасида чуқур мулоҳаза юритиб, мен билан фикр алмашади. Қувонарлиси, уларнинг ҳеч бири фақатгина дарслик билан чегараланмайди.

Кўриниб турибдики, адабиёт тарбияси, тарғиботини янада кенг-роқ йўлга қўйиш керак. Уни ўқитиш методикасини эса, тубдан ислоҳ қилиш даркор. Ёшларга фақат адиблар ҳақидаги маълумотларни ўқитмасдан, асар ичига кириб бориш, мутоала маданиятини ўргатиш, бадият нима эканини

англишти зарур. Афсуски, бугун одамлар орасида фақат айрим қўшиқлари орқали танилаётган ўртамеъна шоирларининг тан олиш иқлими пайдо бўлган. Бу ҳолатга барҳам бериш керак. Аввало оммавий ахборот воситаларида, интернет расмий сайтларида бадий асарлар тарғиботини кучайтириш даркор. Истеъдодли йигит-қизларни кўпроқ экранга олиб чиқиш, халққа танитиш лозим. Абдулла Қодирий, Чўпон, Ойбек ва Абдулла Қаҳҳорнинг адабий меросини унинг издошларига муносиб етказо олсаларгина мақсада эришамиз.

Бобом “Китобга меҳр қўйган боладан ёмонлик чиқмайди”, дерди. Ҳа, бу ҳақиқатни йиллар оша янада чуқурроқ англаб етгапман. Шундай экан, жамиятга фикри теран, илмга чанқоқ, янгилликлар сари интилувчан ёшларни етказиб берайлик.

ёнига тикилдим. Аслида онамга эркалик қилиб, сутга кўпроқ сариёғ солдирмоқчи эдим. Шунда онам бир қўлини рўмоли билан боғлаб олганига кўзим тушди. Индамай оғилхонага бордим, четда ётган кетмоннинг сопини олдимۇ сизгирга тушириб қолдим. “Сенми ҳали онамни тепадиган, оёғинг узун бўлиб кетдимми?” Қўлимдаги таёқ сизгирга тегishi билан зир титраб қочиб қолди. Шу пайт онамнинг тарсақисидан кўзимдан олов чиқай деди.

— Нега жониворни уряяпсан?  
— Нимага сизни тепади? Нега мени урасиз? Мендан ҳам яхшими шу сизгирингиз?  
— Сенда ақл бор, бунда йўқ. Шунини ишлатсанг бўлмайми? Аслида аяб сенда, кеча чироқни тузатиб қўйсанг бўларди-ку!  
Ўзимни оқлаш учун бирон сўз топмадим. Лекин юрагимда шу кундан сизгирга нисбатан араз пайдо бўлди. Энди унинг сутини қанчаллик яхши кўрсам,

ўзини шунчаллик ёмон кўрардим.

“Вақт сувдек оқиб кетади”, дейишади. Менимча, бу ноўрин ўхшатиш. Чунки сувни маълум вақтга бўлса ҳам тўхтатиб туриш мумкин, аммо вақтни-чи? Бир дақиқага бўлса-да, бунинг иккони йўқ. Мана орадан йиллар ўтди. Ҳовлимизда онам ҳам, ўша сизгиримиз ҳам йўқ. Энди онам айтган ақл ишляпти, шекилли. Онамга олти болани боқиб бир ўзига қанчаллик оғир бўлгани, нима учун ўша сизгирини шунчалик қадрлашини тўшунгандек бўлаётман.

Анча вақтдан буён қишлоққа келмаганимиз учун қўшимиз Рашид ота бироз ранжиди. “Уйингни ҳувиллатиб қўйма”, — деб танбех берди.  
Бугун кампирни тонгда янги соғилган суддан чиқариб юборибди. Фарзандларим маза қилиб ичди. Бирок менга онам пиширган сутнинг таъми еттишмасди. Ҳамон шу меҳр таъминини излайман...

МУАССИС

ЎЗБЕКISTON ЁШЛАР ИТТИФОҚИ  
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 2 августда № 0242 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.



БОШ МУҲАРРИР

Каримов Фахриддин Турдалиевич

ТАХРИР ХАЙЪАТИ

Камолитдин Бекназаров, Мансур Бекмуродов, Лазиз Тангриев, Мадамин Сафаров, Алишер Саъдуллаев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзақонов, Нодир Абдуқодиров, Наргиза Умарова — бош муҳаррир ўринбосари (“Yoshlar ovozi”); Ирина Кочергина — бош муҳаррир ўринбосари (“Молодежь Узбекистана”); Елена Калинин — масъул котиб (“Молодежь Узбекистана”).

Дизайнерлар  
Абдуллаев Хуршид  
ЎқтамжоновичНорбоев Жамолитдин  
Жуманазар ўғли

Навбатчи

Жавлон Вафоев

«YOSHLAR OVOZI» дан материалларни кўчириб босиб тахририят руҳсати билан амалга оширилиши шарт. Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Тахририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.  
Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97.  
(371) 233-79-69 (факс).

E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида,  
А-2 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.  
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.

Индекслар: 203, 3203

Баҳоиси келишилган нарҳда.

Буюртма Г-636

Адаби — 23676

Босишга топшириш вақти — 13.00

Топширилди — 13.00

Объект усунлида босилган

1 2 3 4 5